

ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



**Зокиржон МАШРАБОВ: “ВАТАНГА
МУҲАББАТНИ БОБУР БОБОМИЗДАН
ЎРГАНИШИМИЗ КЕРАК”**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Бобур номидаги
халқаро жамоат фонди раҳбари Зокиржон МАШРАБОВ билан сұхбат.*


– Янги йил мамлакатимизда жаҳон маданиятига улкан ҳисса кўшиган Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур сингари бобокалонларимиз тугилган кунларини кенг миқёсида нишонланиши билан бошланади. Зокиржон ака, келинг сұхбатимизни ана шу икки буюк шахс ижодини ўрганиши замондошларимиз учун қайси жиҳатлари билан муҳимлигидан бошласак.

– Маъқул. Шукрки, ҳар янги йилимиз ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек сиймоларнинг таваллуд саналарини эслаш, нишонлаш, маърифий анжуманлар ўtkазиш билан бошланади. Уларнинг номи, ҳаёти, ижоди, асарлари биз учун қадрли, қимматли, ибратли, қолаверса сабоқ, ҳаёт мактаби. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони шундаки, биз дунё билан бўйлашадиган халқмиз. Бунда бизга маънавий қувват берадиган улуғ устозларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа жаҳон тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиздир. Ҳар икки буюк сиймо ўз асарларида инсонийликни, Ватанга муҳаббат, мардлик, жасурлик, яхшилик ва эзгулик ғояларини тараннум қилган. Масалан, улуғ Навоийнинг:

*Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш,* –

деган шоҳбайтини эслайлик. Демак, Навоий байтда бизга уқтирган, ўргатган “ёрлиғ иш”га, яъни ўзаро дўстликка, ёрдамга, меҳр-оқибатга амал

қилишга чақиради. Ёки Бобур ҳазратларининг “яхшилиф” радифли, пурхикматли ғазалини ёдга олсак:



*Бори элга яхшилик қилгилки,
мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилик.*

Бу гўзал мисралар барчамизни – эзгуликка, бир-биримизга яхшилик қилишга ундейди. Сиздан нима қолади? Яхшилик, эзгулик қолади, деб гўё тушунтиргандек бўлади. Ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасида улар бизга ҳар доим керак. Бу албатта буюк келажак сари дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, айниқса ёшларимиз учун жуда ҳам керакли маънавий озуқадир. Шу боис, уларнинг ижодини кенг

тарғиб қилиш, асарларини қайта-қайта чоп этиб, ўқувчиларга етказиш ўта зарур ва савобли иш. Нафақат таваллуд саналарида балки ҳар доим уларнинг асарларини ўқиб, ўз ҳаётларига татбиқ қилсалар бундан фақат ва фақат фойда бўлади.

– *Мустақиллик туфайли жаҳонгир бобомиз ижодий меросини кенг миқёсда ўрганиши мақсадида Бобур номидаги ҳалқаро илмий экспедицияга асос солинди. Ўтган йиллар давомида сиз раҳбарлик қилаётган мазкур илмий экспедиция Бобур меросини тиклаш ва ўрганиши борасида жуда катта ишларни амалга оширганлигини биламиз. Сиз ушибу жараёнларни бевосита ташкилотчиси сифатида, қолаверса шу ҳалқнинг бир олими, зиёлиси сифатида жаҳон миқёсида ўтган даҳолар, саркардалар, подшоҳлар қаторида Бобурнинг (гуманистик, антоганистик) шахс нуқтаси назардан таққослаганда ўрнини қандай баҳолаган бўлардингиз?*

– Дунё ҳалқлари буюк аждодимиз номини ҳам, меросини ҳам яхши биладилар. Гарбда Бобур ҳаётлик пайтиданоқ унинг шахсига, ҳаётига, ижодига қизиқиши катта бўлган. Бобурнинг жаҳон тарихидаги кечаги ва бугунги ўрни беқиёс эканини дунё зиёлилари ва олимлари ҳали-хануз тан оладилар. Биргина “Бобурнома”нинг қайта-қайта тадқиқ қилинаётгани, давлат бошқаришдаги фаолияти, дипломатияси неча ўнлаб илмий изланишларга мавзу бўлаётгани фикримизнинг исботидир.

Саволингизнинг яна бир қисмига келсак. Биз собиқ Шўролар даврида Захириддин Муҳаммад Бобур шахсини ўрганишга ташна бўлганимиз билан, унинг номини баралла айта олмасдик. Мустақиллик туфайлигина у буюк зотнинг бутун фаолиятини ўрганишга имконият туғилди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда Бобур шахсига қизиқиш, унинг асарларини ўқиш ва ўрганиш йилдан йилга ошиб бормоқда.



Мустақилликнинг меваси бўлган Бобур номли халқаро жамоат фонди ва илмий экспедициясининг ташкил бўлганига роппа роса 25 йил бўлди. Шу вақт давомида Бобур мирзо изидан 30 маротабага яқин дунё бўйлаб сафарларда бўлдик. Ҳар сафар янгиликлар топишга, бизда йўқ манбаларни қўлга киритишга харакат қилдик. Фонд тасарруфидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейидаги 500 дан зиёд манбалар орасида ниҳоятда ноёб, қимматли қўлёзмаларнинг нусхаларини Ватанимизга олиб келишга муваффақ бўляпмиз. Масалан, тарихий манбаларда “Бобурнома” ни Бобур мирзо ҳаётлик пайтидаёқ уч нусхага кўчириргани ҳакида маълумот бор. Ана шу қўлёзманинг “Саларжанг” музейида сақланаётган Ҳайдаробод нусхасини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Бобурмирзо ўзи кашф этган алифбо – “Хатти Бобурий”да Қуръони карим сураларини кўчирирган. Ундан ҳам нусхани қўлга киритдик. “Бобур куллиёти”нинг Эрон нусхасидан кўчирма ҳам музейимиздан жой олган. “Бобурнома”нинг турли йилларда ва турли тилларда

таржима қилинган 20 дан ортиқ нусхалари энг қимматли экспонатларимиз ҳисобланади. Умуман, қўлга киритилган бундай ноёб ашёларнинг асл нусхалари ёки Бобур ва бобурийлар даврига оид ҳар бир манбанинг дунё музейлари, кутубхоналарида эҳтиётлик ва юксак ҳурмат билан сақланаётганинг ўзиёқ Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига нафақат кеча, бугун балки келгусида ҳам қизиқиш катта бўлишидан далолат беради.

– *Бизнинг журналимиз “Ўзбекистонда хорижий тиллар” деб номланади. Шунинг учун Бобурнинг қандай хорижий тилларни билганлиги ва ўрганганлиги ўқувчиларимизни қизиқтиради, албатта. Шунинг учун Бобурнинг она тилига бўлган муносабати ва қандай хорижий тилларни билганлиги ҳақида ҳам гаприиб берсангиз.*

– Бобур мирзо энг аввало ўзининг шоҳ асари “Бобурнома”ни туркий қадимий ўзбек тилида ёзган. Она тилимизнинг бор имкониятларидан, жозибасию, ранг-баранглигидан тўла фойдаланган. Бизга етиб келган шеърий меросининг асосий қисми ҳам она тили, яъни туркийда ёзилган. “Аруз рисоласи”да эса туркий арузнинг табиати, тараққиёти ва шеърий асарлардаги кўринишлари, арузнинг 272 вазни ва 21 баҳрига илмий шарҳлар ёзган. Шунинг ўзиёқ Бобур мирзо ўз она тилини қанчалар мукаммал билганини кўрсатади. У даврда аксарият илмли кишилар она тили билан бирга, форс тилини ҳам яхши билганлар. Шу нуқтаи назардан Бобурмирзо айрим шеърий асарларини форс тилида ҳам ёзган. Масалан, Хўжа Аҳрор Валийнинг “Волидия” асарини форсчадан туркийга шеърий таржима қилган. Ислом арконлари ҳақидаги бу асарни шеърий таржима қилиш учун эса ниҳоятда катта иқтидор, диний ва дунёвий билим, салоҳият кераклигини таъкидлашнинг хожати йўқ, бизнингча. Манбалардан маълум бўлишича, Бобурмирзо ўзбек, форс, араб ва урду тилларида bemalol сўзлаша олган ва ижод қилган.

Бошқа хорижий тилларга муносабати масаласига келсак, Бобур Ҳиндистонни эгаллаб у ерда буюк бобурийлар салтанатига асос солди. Бу диёр эса турли миллат, элат, дин ва тилларга бой мамлакат эди. У тадбиркор, бағрикенг подшоҳ сифатида бу мамлакатдаги ҳар бир миллатнинг, элатнинг урф-одатларини, тилини ҳурмат қилиш баробарида, тараққиёти учун ҳам замин яратди. Мана шунинг ўзиёқ Бобур мирзонинг бошқа хорижий тилларга ижобий муносабатда бўлганлигининг исботидир.

– *Адабиёт турли халқларнинг бир-бирини таниши, англаши билан боғлиқ ўзаро маданий алоқалари ривожланишига хизмат қиласи. Шу маънода фарзандларимиз Бобурнинг ижодини ўрганар экан, унинг асарларидағи образлар, қаҳрамонлардан ўrnak олади. Бобур асарлари билан ҳозирги ёшлилар ўртасидаги ўзаро муштарак жиҳатлар борми, бўлса уни*

нималарда кўрасиз? Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти, ижоди, асарларида илгари сурилган қандай жиҳатларни ҳозирги ёшларимиз олиши мумкин?

– Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг ноябр ойида Андижонга ташриф буюриб вилоятимизнинг кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашганида Захириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар фаолиятига алоҳида тўхталиб, шундай буюк аждодларимиз борлигидан фахрланишимиз кераклигини, улар қолдирган маънавий меросни чукур ўрганишимиз, ёшлар орасида кенг тарғиб ташвиқ қилишимиз зарурлигини уқтирганди. Жасурлик, мардлик, Ватанга муҳаббат фазилатларини биз айнан Бобур бобомиздан ўрганишимиз керак дея таъкидлаганди. Ва бу ишларни кучайтириш мақсадида 2017 йилни Андижонда Захириддин Муҳаммад Бобур йили деб эълон қилди. Юртбошимизнинг топшириқларига биноан, йил дастури ишлаб чиқилиб, вилоятдаги барча мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларда Бобур ижоди, фаолиятини кенг ўрганиш ва ўргатиш мақсадида алоҳида дарс соатлари киритиш белгилаб қўйилди. Бу саъй-харакатлар ёшларнинг маънавий дунёсини янада юксалтиришда, Бобур ва бобурийлар ижодини чуқурроқ билиб олишларида ижобий натижга беради.



Бобурмирзо жуда кўп ибратли, олижаноб фазилатлар соҳиби эди. Энг аввало юксак маданият, кенг дунёқарashi билан, қўрқмас, мард ва жасурлиги туфайли 332 йил давом этган буюк бобурийлар салтанатига асос солди. Мехрибон, кечиримли, сахий, оқибатли инсон, дўст, қариндош, ота, жигар

сифатида ҳамиша оиласига, қўл остидагиларга эътиборли бўлган. Мана шу фазилатлари унинг асарларига ҳам сингиб кетган. Мехрибон, аммо талабчан ота сифатида ўғилларига насиҳат тарзида ёзган мактублари бор. Ҳатто “Мубаййин” асари тўлалигача фарзандлари ва ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга бағишлаб ёзилган. Нафақат подшоҳ, балки оддий инсон, мўмин банда сифатида эл ичида, жамиятда қандай ўзини тутиши, комилликка интилиши кераклигини маслаҳат беради. Шоҳ асари “Бобурнома”да ҳам, ғазалу туюқларида ҳам қаҳрамон ўзи. Шунинг учун орзу умидлари, армонларини баралла қўрсатган. Айниқса Ватанга бўлган соғинчини, муҳаббатини мисраларига сингдирган. Ёшлиаримиз Бобурмирзо асарларини тушуниб, моҳиятига етиб ўқисалар ана шу жиҳатларини англаб етадилар ва ўzlари учун ибрат қилиб оладилар.

– Юқорида фонд ташкил топгандан бери ўтган 25 йил давомида амалга ишлар, чоп этилган китоблар хусусида аниқ мисоллар билан айтиб ўтдингиз. Аммо чоп этилган ушибу китобларнинг ўрганилиши масаласига муносабат қандай кечаётганлиги билан ҳам қизиқасизми? Бу меросни ёшлиаримизга етиб бориши учун таълим муассасалари, сизнингча қандай ишларни бажарииши керак?

– Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижондаги учрашувда Бобур адабий меросини ўрганиш зарурлигини таъкидлар экан, ёшлар ўртасида китобхонлик масаласига алоҳида тўхталди. Китоб мутолаа қилиш орқали ўзлигимизни англаш асносида маънавий юксалиб борамиз, дея таъкидлади. Ҳаққи рост. Биз дунё кезиб бир-биридан қимматли манбаларни юртимизга олиб келдик. Бу манбалар ўзбек бобуршунослари, олимлари томонидан тадқиқ қилиниб, китоб ҳолида чоп этирилмоқда. Масалан “Бобур девони”нинг Кобул нашрига такмила, Румер Годеннинг “Гулбадан”, Вильям Рашибрукнинг “Ўн олтинчи аср бунёдкори”, Фриц Вюртленинг “Андижон шахзодаси”, Хондамирнинг “Буюклик хислати”, (“Ҳабиб-ус сияр”), Харольд Лембнинг “Бобур йўлбарс”, Неъматуллоҳ Мўъжизийнинг “Таворихи Мусикион”, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихий Рашидий” ва бошқа китоблар турли тиллардан таржима қилиниб, Фонд томонидан нашр эттирилди. Қолаверса ўзбек бобуршуносларининг изланишлари натижасида юзага келган ва фонд ҳомийлигига чоп этилган “Бобурнома” миниатюралари, “Бобур ва Юлий Цезарь”, “Бобур ҳақида ўйлар”, “Асрларни бўйлаган Бобур”, “Бобурийнома”, “Буюклар изидан”, “Бобурийлардан бири”, “Хинд сориға”, “Андижондан Даққагача”, “Андижондан Бағдодгача”, “Хорижда бобуршунослик”, “Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат”, “Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври” ва қатор китобларини нашр қилдирдик. Ва

республикамиздаги кутубхоналар, олий ўқув юртлари, колледж, академик лицей ҳамда умумтаълим мактабларига имкон қадар беғараз етказиб ҳам бермоқдамиз. Бу асарлар орқали китобхонларда Бобур ва бобурнийлар ҳаётини бор бўй бости билан тассавур қилиш, ижодидан баҳраманд бўлиш имконияти албатта кенгайди. Давлатимиз томонидан ҳам шу яқин вақт ичида “Бобурнома”нинг табдили 20 минг нусхада чоп этилиб, мамлакатимиздаги ўқув юртларига етказиб берилди. Бундай сайи харакатлар яна давом этса яхши бўларди, чунки катта меҳнат ва изланишлар натижасида юзага келаётган, чоп этилаётган китобларимизни ёшларимиз қанча кўп ўқиса фойдадан холи бўлмасди. Ишонаманки, бугун ёшларимиз орасида Захириддин Муҳаммад Бобур ижодий меросидан, шунингдек бобуршуносляримиз томонидан яратилаётган янги асарларни қизиқиб ўқийдиган, ўрганадиган китоб ихлосмандлари жуда кўп.

– Бобурнинг таваллуд куни ниишонланиши билан боғлиқ тадбирларда 2015 йилда 64 босма табоқдан иборат “Бобур энциклопедияси” яратилганлиги ҳақида хабарни эшиштгандик. Мамлакатимизда илк бор шахсга нисбатан яратилган бу энциклопедия ҳам фонднинг саъй-ҳаракати билан дунёга келди. Ушибу энциклопедиянинг яратилишиши жараёнлари, унинг аҳамияти ҳақида ҳам кенгроқ тўхтасангиз.

– Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди катта уммон, қанча ўргансангиз шунча оз. Шунинг учун унинг асарлари қаторида қомуси ҳам ўрганилса, у фақат фойда бўлиши мумкин, деган холосага келдик. Бобур ҳалқаро фонди атрофига мамлакатимизнинг етук бобуршунос, шарқшунос, тарихшунос олимларини тўплаб, улар билан фикр алмасиб, ушбу ўта муҳим асарни яратишга киришдик. Албатта, бу хайрли ишга хорижлик бобуршунослярни ҳам жалб этдик. 10 йилдан зиёд бу иш билан шуғулландик. Ва илмий изланишларимизнинг якуни сифатида 2015 йилда Ўзбекистонда илк бора шахсга нисбатан қомус “Бобур энциклопедияси” яратилди. Таниқли япон олими, бобуршунос Эйжи Мано қомусга “Бобур энциклопедияси” монументал нашр бўлиб, у нафақат бобуршунослик, балки айни пайтда темурийлар тарихи ва Марказий Осиё тадқиқотлари соҳасига ҳам қўшилган улкан ҳиссадир. Энциклопедия юқори савияда тайёрланган, у жаҳондаги барча шарқшунослар учун муҳим қўлланма бўлади” дея баҳо берган.

Мисрлик таниқли бобуршунос олима Магда Махлуф хоним (“Бобурнома”ни араб тилига таржима қилган) қомусни бошқа тилларга, хусусан араб тилига таржима қилиш зарурлигини билдириб, бунинг натижасида “Бобур энциклопедияси” дунёдаги 22 та араб тилида

сўзлашадиган мамлакатларнинг китобхонлари учун муҳим манба бўлишини таъкидлади.

Биз энциклопедия чиққанидан кейин ҳам изланишларни тўхтатмадик. Чунки бобуршунослик, Бобур ижодини ўрганиш давом этаяпти, янги-янги манбалар топилмоқда. Улар ҳақида ҳам энциклопедияда маълумотлар бериш, тўлдириш зарурати келиб чиқмоқда. 2016 йил давомида энциклопедия устида ишлаб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллиги муносабати билан ўтказилган илмий конференцияда “Бобур энциклопедияси”нинг камчиликлари тузатилган ва тўлдирилган иккинчи нашри ҳам чоп этилаётганлигини анжуман иштирокчиларига маълум қилдик. Жорий йилнинг октябр ойида ўтказилиши режалаштирилаётган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро конференцияда энциклопедия ва “Заҳириддин Муҳаммад Бабур. Бабуриды. Библиография” китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтади.

– Бобурнинг опаси Хонзодабегим укаси билан ўзаро ҳоли бўлгандарида унга “Бобуржон” деб мурожсаат қиласди. Биргина шу лутфнинг ўзида ҳамма нарса: опанинг укасига бўлган меҳри, эътибори, масъуллиги, уни турли озорлардан эҳтиёт қилиши ва бошқа биз билмаган яна нималардир бор. Ана шу муносабатларда малика ва шоҳдан кўра, опаканинг қондошлиги ришталари ҳар қандай мартабаю мақомдан устунлиги “Бобурнома”да жуда таъсири тасвирланган. Бугун қариндошлик ришталари мўртлашиб, ингичкалашиб кетаётган бир пайтда Бобурнинг оиласий қадриятларга муносабатидан қандай амалларни ўрганиши мумкин?

– Менинг ҳамюртларим – журъатли инсон, одамийликда тенги йўқ малика Хонзодабегим ва унинг жигаргўшаси буюк Бобур Мирзо ўртасидаги ўша даврдаги муносабатлари ҳақида кўп ўйлайман. Ўйлаган сарим бутун борлиғим яшнаб кетади, нурга тўлади. Бироқ, улар ҳақида нотўғри талқин, салбий муносабатлар билдириб мақолалар чоп этаётган айrim олимларимиздан ранжийман ҳам. Доно халқимизда “Гап келганда, отангни аяма”, деган нақл бор. Бу нақлни эслашимнинг муҳим сабаби ва гўзал оқибати бор. Масалан, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул Хонзодабегимни “дипломатия қурбони бўлган” деса, яна бир тарихшунос олим Ашраф Аҳмедов Бобурмирзони “Самарқандни шармандаларча ташлаб чиқиб кетди, 1511–1512 йиллар оралиғида шармандаларча воқеани бошидан кечирди, шармандаларча енгилди” дея такрор-такрор ҳақоратомуз талқин қиласди. Бу олимларимизнинг дунёқарашлари давр талабларига, мустақил Ўзбекистонимизнинг юксак маънавият йўлидаги ислоҳотларга жавоб беролмайди. Ёки А.Аҳмедов ер юзи

аҳолисини ваҳшиёна қирғинбарот қилган Чингизхоннинг авлодлари, темурийлар, бобурийларни инқирозга учратган Шайбонийхон, Убайдуллохон, Абдуллахонларни мақтаб, уларни Моварауннахрга – Самарқандга келишини айни муддао бўлган деб ёзади. Бу назаримда, эҳтиётсизлик билан айтилган қўпол хато ва бирёқлама фикрлардир! Чунки **биринчидан**, Хонзодабегим шоҳлар сулоласининг зукко, узоқни кўра биладиган авлоди эди. Шунинг учун буюк дипломат, қолаверса қондошини бениҳоя яхши кўрувчи опа сифатида йўл тутган. Шайбонийхоннинг таклифини қабул қилиши билан у нафақат Бобурмирзони, бошқа оила аъзоларини ҳам бевақт халок бўлишдан сақлаган. Хонзодабегим ана шу жасорати билан Захириддин Мухаммад Бобурга тарих сахнасида ўз ўрнини яна қайта топиб, уч асрдан зиёд давом этган бобурийлар сулоласига асос солишига йўл очди. **Иккинчидан**, тарихга назар ташласак, энг кучли саркардалар ҳам жангларда дам ғолиб бўлган, дам мағлуб. Бобурмирзо ҳам бундан мустасно эмас. Лекин унинг нияти улуғ бўлган, яъни буюк Амир Темурдан кейин парокандаликка учраган темурийлар салтанатини тиклаш ва марказлашган давлатни барпо қилиш учун жонини хатарга қўйиб курашган. Афсуски, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёш шахзода ўша даврнинг муҳити сабаб енгилди. Бироқ Бобурмирзо юрагидаги орзусини Ҳиндистонда амалга оширди, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистонни бирлаштириб, буюк бобурийлар салтанати (империяси)ни барпо этди. Ва бу салтанат 332 йил расман, маънан эса дунё тамаддунида ҳамон давом этмоқда. “Бобурнома”, “Хумоюннома” ва Бобурмирзонинг бошқа асарлари жаҳон кезмоқда, Ғарбу Шарқ олимлари ўрганмоқда. Ва буларнинг барчасида Хонзодабегимнинг опалик, маликалик хизматлари бекиёсdir.

Хонзодабегим ва Бобурмирзо муносабатларидан замондош-ёшларимиз энг аввало яқинларига яхшиликни – меҳру-муҳаббатни, эътиборни, муруватни, оқибатни ўрганишлари керак. Буюк аждодларимизнинг мана шу серқирра ва олижаноб фазилатларидан ибрат олсалар ҳаётлари янада мазмунли ва баҳтиёр бўлишига эришадилар.

– *Инсон табиати қизиқ-да, бир иши билан сидқидилдан машғул бўлса, у ўша ишини жуда яхши кўриб қолади. Табиийки, юқоридаги жавобларингиздан сиз ҳам бундан мустасно эмас экансиз. Айтингчи, шахсан ўзингизни Бобур шахси нимаси билан қизиқтирган? У ҳақда аввалги тасаввурингиз билан ҳозирги таассуротингиз ўртасидаги фарқ каттами?*

– Илк бора бу улуғ зотнинг сиймоси тасаввуримда қандай жонлаган бўлса, ҳозир ҳам шундай сақланиб қолган. Бошқача айтганда Бобурнинг

ижодини, фаолиятини қанча кўп ўрганганим сайин, у буюк зот ҳақида ҳеч нарсани билмаслигимни англаб етаяпман. Унинг кучли ички дунёси, жасорати, оиласига, одамларга меҳрибонлиги, саҳовати, адолатпешалиги, қўйингки олийжаноб фазилатларининг серқирралиги билан мени ҳамиша қизиқтириб келган. Унинг шахсиятидаги сиру синоатдан ҳамиша ҳайратдаман. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан бошқа дунёдаги ҳеч бир подшоҳ ўзи ҳаётлик пайтидаёқ таҳтини ўғлига топширмаган! Яна бир қизиқ далил, Ҳиндистонда Иброҳим Лўдийни енганидан сўнг қўлга киритилган бойликларнинг деярли катта қисмини бева-бечораларга тарқатиб берган. Мана шу саҳоватпешалиги сабаб хорижлик ижодкорлар томонидан “Тож кийган дарвеш” деган асари яратилган.

Бобур ва бобурийлар изидан шунча йилдан бери йўл юриб, у буюк инсон ҳақида билганим сари меҳрим яна ҳам ошаяпти. Шунинг учун фақат ўрганиш, изланишдан давом этаверамиз.

– Халқаро Бобур фонднинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз.

– Мустақиллик шарофати ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли биз нафақат Бобур ва бобурийлар изидан балки, юртимииздан етишиб чиқиб, тақдир тақозоси билан хорижда умргузаронлик қилган бошқа буюк аждодларимизнинг ҳам изидан бордик. Африка қитъасидан Ҳинд – Хитой ярим ороли, Европа – Америка давлатларигача 375 минг км.дан ортиқ масофа, асосан автомашина ва қисман самолётда босиб ўтилди. Деярли ҳамма буюкларимиз мангу макон топган қабрларини излаб топишга муваффақ бўлдик. Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, мавлоно Лутфий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хусрав Дехлавий, Камолиддин Беҳзод, Бобораҳим Машраб, Али Қушчи ва бошқа кўплаб буюкларимизнинг сўнгги манзилларини қидириб топиб, зиёрат қилдик ва улар ётган жойларнинг ҳолати ўрганилиб, чора-тадбирлар белгилаб, таклифлар тайёрладик. Бу борада қилинган ишларимиз ҳақида “Маънавий ҳаёт” журнали, “Хуррият” газеталарида атрофлича ёритилди.

Ҳали режаларимиз кўп. Афғонистонлик ҳамкорлар билан Ишқамишдаги Бобораҳим Машрабнинг, Газнидаги буюк аллома Абу Райхон Берунийнинг қабрларини ободонлаштириш ишларини худо хоҳласа жорий йилнинг охиригача амалга оширамиз. Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятида Бобурмирзонинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг, Туркияning Истамбул шаҳрида улуғ олим Али Кушчининг, Дамашқда Абу Носир Фаробийнинг қабрлари ҳам қайтадан бунёд этилиши керак.

Ўтган йиллар давомида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қила туриб, Бобур мирзо асарлари етиб борган, аммо биз етиб боролмаган манзиллар ҳали борлигига амин бўлмоқдамиз. Унинг қолдирган ижодий мероси борасида ҳам анча ишлар қилишимиз керак. “Бобурнома” асарини 12 ёшидан бошлаб умрининг охиригача ёзган бўлсада, 18 йиллик воқеалар акс этмаган. “Ҳарб иши”, “Мусика сирлари” асарлари, шунингдек Бобурмирзонинг қизи Гулбаданбегим томонидан ёзилган “Хумоюннома” асарининг бир қисми йўқ. Балки бу асарлар ўша биз етиб боролмаган манзилларда кимнингдир уйида, қайсиdir музей ёки кутубхонада сақланаётгандир?.. Уларни топиб, юртимизга олиб келишимиз энг муҳим вазифамиз. Бундан ташқари заминимизда етишиб чиқсан буюк аждодларимизнинг қўлёзма ва ноёб китоблари ёки нусхаларини ҳам баҳоли кудрат олиб келиб, музейларимизда мужассамлаштириш – биз зиёлиларининг бурчи, деб ўйлайман. Бунинг учун аввало ўзимизда сақланаётган қўлёзма ва ноёб китобларнинг библиографиясини яратиш ва уни қўп минг нусхада чоп этишимиз зарур. Шу билан бирга, буюк аждодларимиз томонидан яратилган ва ҳозирда чет эл музейлари, кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарлар ва ноёб китобларнинг ҳам библиографиясини яратишимиш керак. Агар бу библиографиялар яратилса, китобхонлар қайси манба қаерда ва қай холатда сақланиб турганлиги ҳақидаги қимматли маълумотга эга бўладилар. Қачондир бу ноёб асарларнинг ҳаммасини Ўзбекистонга қайтариб олиб келинади.

– *Бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Захиридин Муҳаммад Бобур ҳаёти, фаолиятига оид янги-янги қизиқарли маълумотлар кўпаймоқда, бу эса тарихчиларимиз, адабиётшуносларимиз янги тадқиқотлар олиб боришиларига замин яратади, шундай эмасми?*

– Албатта. Мисол учун Алишер Навоийнинг катта бобоси Исомиддин Пахлавон Қирғизистоннинг Аравон туманида туғилганлиги ҳақида манбалар кўпаймоқда. Навоий Самарқандда ўқиб юрган чоғларида бир неча бор Андижон орқали Аравонга борган, деган маълумотлар мавжуд. Бу ҳақда Бекжон Аҳмедов, Қоражон Қодиров, Валижон Мирзаев, Ҳабибулло Идрисов, И. Абдураҳмонов ва бошқа олим-адибларнинг матбуотда “Буюк Алишер Навоийнинг катта отаси Исомиддин Полвон (Пахлавон, Аравоний) Аравонликми?” “Аравондан Ҳиротга қўчиб борганми?” маълумотлари билан боғлиқ қизиқарли мақолалари чоп этилган. Бу муаллифларининг ёзишича, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо пойтахтни Ҳиротга кўчиргач, икки минг суворий Самарқанд орқали Ҳиротга чақирилган. Улар орасида Исомиддин Полвон ҳам бор эди. Ҳиротга борилгач, Шоҳруҳ Мирзо Исомиддин Полвонни лашкарбоши Амир Буганинг Шахрибону исмли қизига

уйлантиради. Улар ўғил кўриб, исмини Фиёсиддин қўйишади. Фиёсиддин Кичкина (Полвон) улғайиб вояга етгач, машхур саркарда Сайд чангнинг қизи Ҳалимабонуга уйланади ва уларнинг оиласида жаҳонга машхур, буюк Низомиддин – Алишер Навоий туғилади.

Ёки Заҳириддин Бобур “Бобурнома”да Андижон беган таърифини эслайлик: “Андижон эли туркдир (ўзбекдир). Шаҳар аҳолиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ. Шунинг учун ҳам мир Алишер Навоийнинг асарлари гарчи Ҳирий (Ҳиротда) шуҳрат қозонган бўлсада, бу тил билан ёзилган” (“Бобурнома”, 2008 йил, 29 бет). Ушбу таърифда юқоридаги маълумотларга боғлиқ ўринлари бор. Чунки одатда фарзанднинг тили ва шеваси у улғайган оила мухитида, ота-онасининг талаффузига қараб шаклланади. Агар шу нуқтаи назардан ёндашсак, ҳазрат Навоий тили андижонликларнинг шевасига – бугунги адабий тилга мос экан. **Иккинчидан**, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг қабри бугунги кунда сақланмаган. Агар Сирдарё қирғоғидаги ташландик Аҳси харобаларга дағн этилган бўлса, у ҳолда асрлар давомида Сирдарё ювиб кетишигача қучли маънавиятга эга Наманган ҳалқи ҳеч қачон йўл қўймаган бўлар эди. Ваҳоланки, ўша даврда яшаган бошқа подшоҳларнинг қабрлари сақланиб қолган. Шу маънода, сўнгги йилларда Умар шайх Мирзо Нанай қишлоғидан 10–12 км. олисдаги Қирғизистоннинг Аҳси туманидаги Сафетбулан (Шаҳидлар макони)га дағн этилганлиги ҳақида маълумотлар кўпаймоқда. Ушбу маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида Бобур номли ҳалқаро илмий экспедицияси Аравон ва Сафетбулан, Афғонистоннинг Ҳирот шаҳарларига 2017 йилда маҳсус сафар уюштиришни режалаштироқда. **Учинчидан**, Бобур хаёти ва ижоди ҳақида бадиий фильм ҳанузгача яратилмаган. Биз Бобур мурзодек аждодимиз билан фаҳранамиз, демак унинг буюклигига, серқирра ижодига мос ҳалқаро миқёсда эътироф этиладиган бадиий фильмни хамкорликда яратиб, уни ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида дунёга намойиш қилишдек вазифаларнинг амалга ошиши долзраблигича қолмоқда. Бу муҳим масалаларни ҳал этиш келгусида фаолиятимизда рўёбга чиқади. Қолаверса, бу борада тарихчилар, адабиётшунос олимларимиз ҳам илмий изланишлар олиб бориб, буюк аждодларимиз меросини янада кенгроқ ёйишга хисса қўшадилар, деб умид билдирамиз.

– *Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат.*

Назира ТОШПЎЛАТОВА
сұхбатлашды.